

Шахримизда пластмасса маҳсулотларидан халқ истеъмоли буюмлари, сунъий гуллар ишлаб чиқариш бошланган кезларда кўнгилмизда алланечук фарҳанг туйғуси уйғонган эди. «Совластитал» корхонасида тайёрланган бу гуллар худди табиийдек ишлангани, шунингдек уй-рўзгор маҳсулотларининг ранг-баранг шаклдалиги кўпчилигини тахсинига сазовор бўла бошлади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, бу корхонанинг донги жаҳонга ёйилди.

Корхона мутасаддилари фақат гул ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмадилар. Иланиш, ҳаётни ўрганиш, одамлар кўпроқ нималарга эҳтиёжманда, мана шу масала билан қизиқиб, кичкинагина бир цехни қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирдилар. Бу цех «Совластитал ва Со-ня» шўба корхонасига айланган. Бугунги кунда шўба корхонада ишлаб чиқарилаётган чинни маҳсулотларнинг хари-дори, талабдори жуда кўп. Кичик корхонанинг амалга ошираётган катта ишлари билан танишиш мақсадида цех-ни ва у ерда меҳнат қилаётган ишчилар меҳнатини кузатдик. Ҳамроҳимиз шўба кор-

хона раҳбари Юрий Аристов иш жараёни билан таништириб, куйидагиларни гапириб берди:

— Шўбага корхонанинг ташкил этилишига устозимиз ҳамда шу «Совластитал» корхонаси ташкилотчиларидан бири

сўлатларни тайёрлаш учун унга ишлатиладиган хом ашёни, яъни лойни Франциядан олиб келамиз. Бу лойлар махсус кор-ришмаларга айлантирилиб, сўнг қўрилишга қўйилади. Қў-рилишда тайёр бўлган хомаки маҳсулотлар бирлаштирилиб,


лайди. Улар орасида Ольга Бородина, Инна Вишнева, Дилором Ражапова, Любовь Пиваварова ва бошқалар энг нодир маҳсулотларни тайёрла-дашда ўш маҳоратларини кўр-сатишда меҳнат қилишаётир. Айрим ишчиларимиз Амир Те-мур таваллудига бағишланган маҳсулотларни тайёрлашда алоҳида иш кўрсатдилар.

Ишлаш жараёнида биз ҳеч қандай режани белгиланмасак-да, лекин рассомлик масъу-лият юқори ўринда туради. Энг нозик ва нодир ишларни бажариш учун кўпроқ асосий нусхалардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Иш жараё-нида эса Италиядан келтирил-ган махсус бўёқ ва чўткалар-дан фойдаланамиз.

Хали олдимизда қиладиган ишчиларимиз жуда кўп. Италиян-ча моделлар асосида Москва-да супермаркет дўконига шу кунгача 500 турдаги маҳсулот-лардан жўнатган бўлсак, яна буюртма асосида гулдонлар, янги йил учун аталган маҳсу-лотларни тайёрлаш бошлаш арафасида турибмиз.

Уйлаймики, бу буюртмалар-ни ҳам ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ишлаб бера-миз.

Гулзода МАМБЕТОВА.



— Ҳозирги пахта териб ма-шиналарнинг умумдорлиги анча паст, бундан ташқари қўнчи-ларим деталлари ва механизм-лари тез ишдан чиқиб сабаби бекор эътибор. Боз устига пахта бадаларида ишлатиладиган «зан-гори кема»ларнинг шийделари вертикал (тиккасига) ҳолда ўр-натилган. Шунинг учун машина эгалардан ўтаётганда терил-ган ҳосилнинг муайян қисми ерга туқлиб, пест-побуд бўлади. Аме-рика пахтазорларида қўллани-ладиган машиналарнинг ший-деллари эса горизонтал (кўнда-лангига) ҳолда ўрнатилган. Шу бошдан ҳам уларнинг «зангори кема»лари пахтага деярли ерга туқмайди, яқори умум билан иш-лайди, — дейди Абу Райхон Бегу-лий номидagi республика давлат муофоти соҳиб, Ўзбекист но-мидagi Механика ва экишлар-до ишчиотлар институти — Пахта териб дастгоҳлари ла-бораториясининг етакчи илмий ходими Нурт Ака Файзиев. — Биз яратилган пахта териб машинасида ана шу камчилик-лар тақрирланмаган. Шогирд-ларим Убайдулла Абдуллаев ва Адам Икромов ҳамкорлигида яратилган бу пахта териб машиналари настб қилса, ишон-чимчилик тўла оқлайди.

СУРАТДА: Нурт Файзиев шогирдлари билан мунозарда. Рустам Шарипов олган сурат.

— Турсунбой ака, яқинда Бектемир бозорининг янги, жуда гўзал биносига кўчб ўтибсизлар. Кўрган кишининг ҳаваси келади. Назаримда бунақа бозор биноси камдан кам бўлса керак?

— Чиндан лойиҳачилар ҳам, қурувчилар ҳам жуда кўркам, бетакрор ишоот барпо этдилар. Чет элларда бўлганимда ҳам бундай ҳашаматли бинони учратмаганман. Янги бозорининг майдони 8-10 гектар ерни ташкил этади. Олдинги бозор ҳам фаолият кўрсатаётир. У ерга буюм бозори кўчб ўтди. Агар мазкур бозор биноси қурилиши 1996 йил февраль ойида бошланиб 1 сентябрда тугалланганини, мана шу қисқа муддат ичнда 390 миллион сўмлик иш бажарилганини айтсам қурувчиларимизнинг меҳнат шижоатига ўзингиз баҳо бераверасиз.

Бектемир бозори Тошкент вилоятининг жанубий қисмидаги аҳолининг эҳтиёжини қондириш имкониятига эга. Бундан ташқари Бухоро, Самарқанд, Қашқадарь, Сурхондарь, Фарғона водийси билан бирга Тожикистон ҳудудидagi баъзи бир вилоятлардан ҳам кўпчилик шу бозорга маҳсулотларини олиб келади. Янги бозор хурматли Президентимиз Исмоил Каримовнинг ташаббуслари билан юзага келганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. У 12 сентябрь кўни очилди. Очилш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ва Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов ҳам қатнашдилар.

— Янги бозорда савдо-сотиқ маданияти ҳам мутлақо бошқача бўлса, деган умидимиз бор. Чунки бозордаги баъзи бир тартибсизликлар киши дилини хира қилади. Ҳукуматимизнинг алоҳида қабул қилган қарорларида ҳам бозор маданиятига катта эътибор берилган. Қўрилаётган чораларга қарамадан деҳқонларнинг бозордаги ўрнини асосан олибсатарлар эгаллаб олишади. Харидор ўн сўмга деҳқондан олиши керак бўлган молни чайков-чининг қўлидан ўн беш сўмга сотиб олади. Деҳқонга

Сўранг — жавоб берамиз

ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҚАНДАЙ ҲАҚ ТўЛанади?

Кейинги пайтда кўплаб ҳамшаҳарларимиз ишлов-чи пенсионерларга пенсия тўлаш масаласи тўғриси-да, хусусан, икки ой давомидида пенсияни тўлиқ миқ-дорда олишни расмийлаштириш тартиби ҳақида жа-воб беришимизни сўраб, тахририятимизга мурожаат қилишмоқда. Шу бондан жамоатчи мухбиримиз газ-етхонларнинг саволларига жавоб олиш учун Ўзе-бекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ҳуқуқий инспекцияси бошлиғи, давлат бosh ҳуқуқ назоратчиси Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ билан суҳбатда бўлди.

— Шу йил бошдан эъти-боран республикамиз ҳуд-удида ишловчи пенсионер-ларга пенсия тўлаш тарти-би ўзгарди. Пенсионерлар-га ўз меҳнат фаолиятлари мобайнида уларга тайин-ланган пенсияларнинг 50 фоизи тўланмоқда. Аммо уларга бир йил ичнда фа-кат икки ой давомидида пен-сияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи берилган. Шу муносабат билан ишловчи пенсионерлар билан иш бе-рувчилар ўртасида тўлиқ миқдордаги пенсияни олиш учун пенсионерларни вақ-тинчалик ишга ўтказишга оид керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби билан боғлиқ кўплаб савол-лар тўғрликмоқда. Пенсио-нерларни икки ой муддат-га вақтинчалик ишга рас-мийлаштириш тартиби қай йўсинда амалга оширили-ши аниқ мисоллар асо-сида батафсил тушунтириб берсангиз.

— Даставвал корхона (таш-килот, муассаса, ўқув юрти ва ҳоказо) бўйича қуйидаги маз-мундан иборат буйруқ чиқа-риш зарур: масалан, ишлаб чиқариш бўлимининг катта му-ҳандиси (бошқа ҳолларда иш-чи, ўқитувчи ва ҳоказо), иш-ловчи пенсионер Тўхтамурад Халилович Қорабоев, ўзининг розилигига биноан 1996 йил 16 февралдан 16 апрелга қадар 2 ой муддатта пенсия-сини тўлиқ миқдорда олиши учун меҳнат шартномасининг муддатли турига ўтказилсин.

Бундан ташқари иш берув-чи билан ишловчи пенсионер икки ой муддатта тузилган шартномани ишловчи пенсионер тайинланган пенсиянинг 50 фоизини олиши билан бирга меҳнат фаолиятини давом эт-тириши мумкинлигини ҳисоб-га олган ҳолда бекор қилиш-ни қўзда тутиши зарур.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу буйруқда маж-бурий тартибда қуйидаги кўр-сатма ҳам акс этган бўлиши керак: ишловчи пенсионер буйруқ билан танишиб чиқ-ши ва буни шахсий имзоси билан тасдиқлаши лозим.

Хуллас, мамырият ишлаёт-ган пенсионерни меҳнат шартномасининг муддатли турига расмийлаштирган ҳолда уни ишдан бўшатил, сўнгра вақтинчалик ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқармасли-ги керак. Пенсионернинг ари-засига биноан унинг розили-гига қўра, икки ойлик муддат-га меҳнат шартномасининг муддатли турига ўтказиш тў-ғрисида битта буйруқ чиқа-ришининг ўзи kifийдир.

Буйруқ бийрула бир нафар ёки бир неча пенсионерга расмийлаштирилиши мумкин. Икки ойлик иш муддати ту-гагач, Ўзбекистон Республика-си Меҳнат кодексининг 97-моддаси 3-бандига қўра пен-сионер (пенсионерлар) билан

меҳнат шартномаси бекор қилиниши керак. Агар пенсио-нер икки ойлик иш муддати тугагандан кейин ишлагани да-вом эттириш истатгини бил-дирса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодек-сининг 82-бандига мувофиқ умумий асосларда (бунда пенсия яна 50 фоиз миқдоридида тўланади) доимий равишда ишлаш тўғрисида меҳнат шарт-номаси тузиш орқали маж-бурий тартибда яна буйруқ чи-қариш йўли билан меҳнат шартномасини расмийлаштириш лозим. Бундан кейинги дои-мий равишда ишлаш ҳақида-ги буйруқ расмийлаштирилма-ган тақдирда пенсионерларга тўлиқ миқдорда тўланган пен-сияларининг 50 фоизи амал-даги қўнғига мувофиқ чегириб қолинади. (Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат кодексининг 105-моддаси).

— Шунга ўхшаш буйруқ-лар қандай шаклда тузили-ши (чиқарилиши) мумкин?

— Масалан, қуйидаги наму-на бўйича (яна пенсионер Қо-рабоевни мисол қилиб олай-лик):

а) ишловчи пенсионер, кор-хона (ташкилот, муассаса) иш-лаб чиқариш бўлимининг кат-та муҳандиси (бошқа ҳоллар-да ишчи, ўқитувчи) Тўхтаму-рад Халилович Қорабоев ёз-ма равишда билдирган рози-лигига биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси-нинг 76-моддасига мувофиқ тайинланган пенсиясини тў-лиқ миқдорда олиши учун 1996 йилнинг 1 июлидан 1 сентябрга қадар икки ойлик муддатга меҳнат шартнома-сининг муддатли турига ўтказилсин.

б) пенсионер Тўхтамурад Халилович Қорабоев тузилган меҳнат шартномасига муво-фиқ 2 сентябрдан эътиборан ишлаб чиқариш бўлимининг катта муҳандиси (ишчи, ўқи-тувчи) лавозимига ишга қабул қилинсин.

Асос: 1996 йил 1 сентябр-да тузилган меҳнат шартно-маси.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, вақтинчалик ишга ўт-казиш навабатдаги меҳнат тазйили беришга таъсир кўр-сатмаслиги керак. Агар пен-сионер вақтинчалик иш муд-дати тугагандан кейин меҳнат шартномасини меҳнат тазйи-ли учун унга тован пули (ком-пенсация) тўланади.

Сўхбатни Исмоил ЗОИРОВ эъиб олди.

Пойтахтимизнинг «Оқтепа» даҳасида жойлашган «Янги-лик» тикучилик ва трикотаж буюмлари устaxonаси анча вақ-тдан бери беркишиб қўйил-ган эди. Бунинг асосий сабаб-ларидан бири, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш қийинлашиб, хом ашё тақчиллиги туфайли жамоа фойда ўрнига зарар қўра бош-лаганди.

«Узмайишхизматуошма», Тошкент шаҳар маиший хиз-мат-уошма ва «Матнйез» кўп тармоқли хусусий корхонаси ташаббуси ҳамда ердими билан ушбу устaxonа хусу-сийлаштирилиб, жамоа корхо-насига айлантирилди. Унга ёш, гайратли, тадбиркор Ота-бек Ёқубов раҳбар этиб тайин-лангач, ишлар юришиб кет-ди.

Корхона раҳбарияти авва-ло аҳоли талаб ва эҳтиёжла-рини ўрганишга қарор қилди.

Ҳозирги кунда усталар эр-каклар учун устки трикотаж кийимлар, аёлларга қўйлак, юбка, жилетлар тикитиши йўлга қўйишди. Болаларга мўлжал-ланган маъмуий кийимлар ҳам кўпчиликлка манзур бўлмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, буюмлар бозордаги нисбатан 1,5-2 барабар арзон сотилаяп-ти. Утган икки ой мобайнида тушган даромад эвазига тўлиқ дебитор қарзлар ўрни қоплан-ди. Маҳсулотнинг сифати ях-шиланиб, корхона даромад ола бошлади. Ишчиларнинг ойлик маоши ҳам 1,5-2 баравар қў-ши самара берди.

«Янгилик» либосларидан аҳоли миннатдор. Айни пайт-да Корея фирмаси билан қўш-ма корхонаси тузиш, Ҳамдў-стлик ва Болтиқбўйи республи-ликаларидан калава келтириш бўйича шартнома тузилаётти. Бу эса яқин келажакда яна 150 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Мижозларнинг дидига мос кийимлар тайёрлаётган бичув-чи Санобар Абдуллаева, тў-киш бўйича усталар Шохиста Раҳимова, Мухаббат Қодирова, Дилфуза Юсупова, Муҳайё Нурмухамедоваларнинг бара-кали меҳнати айниқса таҳсин-га сазовордир.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ҲАМИША ЭШИГИМИЗ ОЧИҚ

«Бектемир бозори» очик турдаги Ҳиссадорлик жамияти раиси Турсунбой Икромов билан суҳбат

бозордан жой берилмаса, табиийки нарх-наво арзон-лашмайди.

— Гапингизда қайсибир маънода ҳақиқат бор. Бозор мада-нияти қадимда, яъни инсон деҳқончилиги билан шугуллана бошлаган ва мол-мулкни бозорда сотиш эҳтиёжини сезган ондан шаклланган. Шарқ бозори, жумладан қадим Туркистон бозорлари ҳам бойлиги, ранг-баранглиги билан, нозик мада-нияти билан донг таратган. Аслида бозор маданияти кимлар томонидан бузилиши мумкин? Бугунги деҳқон мазмун жиҳа-тидан бундан минг йил илгариги деҳқон мазмунидан нисба-тан фарқланмайди. Бугунги деҳқонлар ҳам меҳнатқашлиги, олижаноблиги, саховатлилиги билан болболарига жуда ўх-шашли. Бозорга келган кезлари ўша олижаноблиги, саховат-лилиги ва камсуюқлилиги харидор томонидан ҳис этилиб турилади. У харидорнинг кўнглига қараб иш тутишга урина-ди. Олибсатар эса бироз қўполроқ, оқибатсизроқ, боринги, шармисизроқ ҳам тўулиши мумкин. Чунки у доим бозорда ўтиравериб, олган нарсасини фақат устима нарх билан со-тишга обдон кўнликма ҳосил қилган. У ҳеч қачон харидорнинг чўнғига билан ҳисоблашмайди, қандай бўлмасин ортироқ нархта сотишга, бугун кеағидан қўра ортироқ фойда ортти-ришга интилади. Ваҳоланки, ўша олибсатар ҳам, харидор ҳам асли кўни-қўшини, бир-бирларининг тўй-маъракаларига қатнашади, қиз олиб, қиз беради, қўда-қўдагай ҳам бўлади. Срттирилган маблағ бир хамбўдан иккинчи хамбўга тўлиши-ни ва буни биргалликда баҳам кўриш мумкинлигини бирор вақт ҳаёлига келтирмайди...

— Олибсатарлар бозорда муайян бир нархни ушлаб туриши, яъни «нархнини туширма, бир маромда ушлаб тур, сенинг ҳам, менинг ҳам ҳамини»га фойда бўлади» дейиши маълум маънода деҳқонни ёки қишлоқдан кел-лаётган бозорчиларни сиқиб чиқаришга сабаб бўлмаёт-ганими? Яқинда бир-икки бозорни айланаёттиб, кўп-дан бери бозорни «уйинга айлангирган олибсатар аёл-лар қишлоқдан келган оддий аёлларни ҳақорат қилаёт-ганини, ўз молини соттирмамасликка, арзон-гаров сотиб кетишга мажбур қилишга ўхшаш манзаралар гувоҳ бўл-дим. Бу обод ва кўркам бозорларимизга маълум дара-жада соя ташлайдиган кўнглинэз ҳоллардир.

— Бу ҳол бизлар — бозор маъмуриятини ҳам ранжитади. Билганларимизга нисбатан чора кўрамиз, аммо ҳозирча бу кўсурни батамом тугата олмадик. Бозор ашиқлари ҳамма учун кенг очилган. Биз ҳаммага бирдай илтифот кўрсатишга масъулмиз. Бирок бозорни тартибга солиш бурчимизга кир-ади. Бу масала биринчи галда кучли назоратга боғлиқ. Биз бозорда ҳар кўни таригот-ташвиқот ишларини олиб бора-миз, бозор маданиятини кўтариш билан боғлиқ тадбирларни бажаряпмиз. Аммо ҳозирги харидорлар ҳам қандайдир дара-жада лоқайд бўлиб бораётганликларини ҳам айтиш керак. Улар бозорга келганларида, бирон нарса харид қилаётганла-рида олиб-сотувчилар томонидан ноҳақликлар юз берса, ўз ҳақларини ҳимоя қилиш ёки бирор мутасаддига хабар қи-лишни ҳў қўришмайди. Олиб-сотувчинга қўпол жавоб билан нари-бери ишни битириб, асабини бузиб қайтиб кетаверади. Агар ҳар қандай гайриқонуний ишлар ўз вақтида ўз жойида ҳал этилса, ноҳаққа нисбатан чора қўрилса, имонини қомилки, бозор маданияти ўз-ўзидан ҳал бўлаверади. Шунга қарамай биз бозордаги муносабатларни тартибга солишимиз, деҳқон-ларимизга, харидорларимизга тўла имкониятлар яратишимиз шарт. Бу борада тегишли чоралар қўриямиз.

— Янги бозор биносининг қуриб битирилиши билан ина қанча янги ўринлар яратилди?

— Эски бозоримизда 1050 ўринга эга эдик. Янги бозори-мизда 1200 ўрин мавжуд. Тахта сотишдан ҳар кўни қирадиган қирим 80-100 миңг сўмин ташкил этади. Шунда биз бир ойда 2,5-2,8 миллион сўм тушум топширамиз. Бундан 50 фоизи қурилишдаги қарзни узишга, қолган қисми бозор сар-ф-харажатига ажратилади.

Суҳбатдош Уктам ҲАКИМАЛИ.

Яқинда метронинг «Космо-навтлар» бекатига ёш қизчам билан кириб, жетонга наваб-тига турдим. Қизчам жетон таш-ланадиган тўсиқ ёнида турган эди.

Шу пайт метро хизматчи-си, бир фаррош аёл қизчам ёнига келиб, уни сўроққа тут-ди:

— Ёшинг нечада? Нега йўл ҳақини тўламайсан? Қани, жўнаб қол бу ердан!

Кўларимга ишонмай қол-дим. Ҳамманинг ҳавасини кел-тириб турган фаррош аёл ҳан-гу манг бўлиб қолган қизчамга ичига илон кириб қолган-дек ўшқираётган эди. Кўрқу-дан дағ-дағ титраб турган қиз-чам нима дейишини билмай, қотиб қолганди. Яхшиям-ки, мен шу ердаман. Йўқса...

Уэр сўрашга қолганган эдим, фаррош аёл менга ҳам ўшқира кетди. Ўзимни тутта ол-май, унга:

— Болага бақиршга нима

ҳақингиз бор? — дедим кес-ка оҳангда.

Форма кийган навабчи аёл-дан умидланиб турган эдим, аммо у ҳам масаланинг моҳия-тига тушунмай:

— Озгингни ёп, ҳозир ми-

га уринишди. Аммо, Оля улар-га ҳам қулқол соймай, «от»дан тушай демасди.

— Сен, сен кимсан ўзи? Ог-зингни ёп, аҳмоқ! — дея бат-тар кибрланди у.

Нахотки шу ҳақоратларни

ҳазм қилиб кетаверсам?! Узим-ни оғир олганим, сабр-тоқат қилганим сайин унинг димоғи кўтариларди. Айтинг, нима қи-лишим керак эди? Бу нима? Намунали транспорт хизмати ходимларининг беорлиги эмас-ми?

Содир бўлган бу воқеа мен-га жуда қаттиқ таъсир қилди, асабимни бузди. Мен Тошкент

метрополитени бошқармасига қўнғироқ қилиб, у ердagi маъсул ходимларни рўй бер-ган воқеадан огоҳ қилдим. Навбатчи аёл Олянинг хатти-харакати баҳо беришлари-ни сўрадим. Метрополитен бошлигининг ёрдამчиси Қри-вочижин мулойим овоз билан воқеани тахлил қилишларини ва тегишли чора кўришлари-ни маълум қилди. Мана, ора-дан бирмунча вақт ўтди ҳам-ки, натижадан дарак йўқ. На-хотки шундай кимсалар билан ҳам ошбу тоғиш, транспорт хизматини яхшилаш мумкин?! Ишонгим келмайди.

«Тошхазрайўловчитранс» давлат уошмасидagi маъсул ўртоқлар йўловчиларга қўпол муомала қилаётган мана шун-дай одобсиз хизматларини тартибга қақриб қўйишса, чаки бўлмасди.

Фарҳод РАСУЛОВ, журналист.



Суратли ахборот

МИЖОЗНИНГ Кўнглини топиб

Инсоннинг ички гўзалли-гига ташки қиёфаси ҳам мос бўлса, нур устига аъло нур. Бу борада «Ўзбекистон» маи-ший хизмат уйи қошидаги 5-кийимларни сунъий тозалаш бўлимидагиларнинг меҳнати салмоқлидир. Чунки улар ҳар кўни, бу ерга келган миҷоз-нинг кўнглини шод қилиб жў-натишга ҳаракат қиладилар.

— Жамоамизда 14 киши меҳнат қиладди, — дейди «Шў-рат» медали соҳиб, жамоа раҳбари Аббор Эгамбердиев. — Уларнинг ҳар бири юқори малакага эга бўлиб, сунъий кийим тозалаш бўйича бой тажриба орттирган инсонлар-дандир. Асосийси, келган ми-ҷозларга ҳушмуомалалик би-



ман ҳизмат кўрсатиб, уларнинг меҳрини қозонишаётир. Кийимларни қабул қилиб олиш ва ўз вақтида тозалаб эгасига қайтаришда ишчиларимиздан сифат назоратчиси Башира Абдунабиева, қабул қилувчилар Муҳаддас Мўминова ва Олия Абдуллаевалар, аппаратчи Мирзохид Азимовларнинг ҳис-салари қаттадир.

— Кўпчилик сунъий кийим тозалашни осон иш деб ўйла-шади, — дея суҳбатга қўшилди уста Гулном Йўлдошев. — Зеро, ҳар бир касбнинг ўзига ҳос но-зик ва масъулятли томонла-ри бор. Бунга фақат шу қасбда ишлаб кўрганларгина билади-лар. Бундан ташқари унинг муаммоларини айтмайси.

Усмон УСМОНОВ, Гули АБДУЛЛАЕВА.

Мардлар кўриқлайди
Ватани

АСКАРЛАР
ҲУЗУРИДА
БИР КҮН

Яқинда Ҳамза туманидаги маҳалла оқоқоллари, мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» жамғармаси вакиллари ҳамда ота-оналардан иборат гуруҳ Куролли Кучларимизнинг ҳарбий гарнизонларидан бирида бўлиб, у ерда хизмат қилаётган фарзандлари билан учрашдилар.

Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ, йигитларимизнинг Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан бажаришга рағбатлантириш, ёшларнинг ватанпарварлик руҳидида тарбиясини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ота-оналарни дарбий қисмлардаги турмуш ва хизмат шартлари билан бевосита таништириш мақсадида ушбу сафарни уюштирдик.



— Ҳақиқатан ҳам ҳозирги аскар йигитларимизга ҳавас қилсанг арзийди, — дейди Бобоҳон Салимов номи маҳалла оқоқоли Алимжон ака Отабеков. — Эҳ-эҳ, ҳаммаёқ чинидек топ-тоза, ораста, этиклар, камарлару тугмалар яқрайди. Юртимизнинг анвойи ноз-неъматлари аскарлар столида муҳайё. Қазарма ва машғул хоналарида Амир Темури, Бобур Мирзо, Жалолиддин Манғуберди ва бошқа буюк саркарда боболаримизнинг суратлари илиниб, уларнинг ибратли сўзлари ёзиб қўйилган. Мана буни ҳарбий хизмат деса бўлади! Эҳ, бизнинг давримизда буларни орзу ҳам қилмадик-да! Ота-оналарнинг ҳарбий қисмда фарзандлари билан учрашишлари қанча эди дейсиз? Энг асосийси Яратганга шукр, юртимиз тинч, осойишта. Фарзандларимиз ҳарбий ва жисмоний машқлар билан шуғулланиб, ўз бурчларини бажаряптилар.

Харбий гарнизонда тошкентлик азиз меҳмонлар катта тантана билан қўтиб олинди. Шу кун баъзи аскарлар кексаларнинг панд-насихатларини тинглаш, ота-оналари ва яқинлари билан дийдорлашувлари учун тўпландилар. Меҳмонлар эса аскарларга ўз таъфаларини ҳада этдилар. Тошкентдан тайёрлаб берилган масалликлар билан каттақон қозонда тошкентча ош дамланди, бутун гарнизон аскар ва зобитлари тақдир этилдилар. Столлар эса пойтахтдан йўланган турли ноз-неъматлар билан тўлди. Илҳом Ақромов Ҳамза тумани ҳокимининг аскарларга совғаси — телевизорни қисм командирига тантанали вазиятда топширди. Шунингдек, шахмат-шақша, футбол тўплари, китоблар ва бошқа совғалар ҳам аскарларга тақдим этилди.

— Азиз укажолар, — мустақил Ватанимизнинг шарафли посбонлари, — деди Илҳом Ақромов аскарлар ҳузуридаги суҳбатда. — Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит олдидаги муқаддас бурчдир, ва уни ўз жоҳон Ватанимизда ўтайганингиз билан гуруҳлансангиз арзийди. Бу кўча турпрогимизда неча-неча оламга машхур саркарда ва алломалар камол тогланлар, бинобарин, сиз ҳам уларга муносиб авлодлар сифатида — ҳарбий маҳорат ва билимларни пухта эгаллашарингиз фарзидир.

Туман вакиллари ҳарбий шаҳарчининг машқ майдонлари, машғулотлар ўтиш хоналари, казармалар ва аскарлар ошхонасини кўздан кечирдилар, яшаш ва дам олиш шартлари билан бевосита танишдилар.

— Уғлим Фарҳоджон хизмат қилаётган ҳарбий қисмдаги хизмат шартлари билан танишиб, кўнглинг тоғдек кўтарилди, —

дейди Фарид Мақсудова. — Яна икки ўғлим бирин-кетин ҳарбий хизмат ёшига етишяпти. Уларнинг ҳам худди акаларидек аъло натижалар билан, шундай шартларда хизмат қилишларини орзу қиламан. — Ватан олдидаги бурчини бажариш — ҳар бир йигитнинг шаъни-да!

— Ота-она ва тумандошларимизнинг бу ерга таъширғи буориши бизни янада яхши хизмат қилишимизга ундайди, — дейди кичик сержант Сардор Тоҳиров. — Чунки, уларга кўрсатиш учун ўз ютуқларимиз, машғулотлардаги юқори натижаларимиз ҳам албатта бўлиши керак-да!

Ҳамза тумани вакиллари билан қизқарли учрашув ва мулоқотдан нихоятда хурсанд бўлган командирлар ўша кун 6

нафар тошкентлик аъло аскарга қисқа муддатли таътил бериб, хизмат муддатини ниҳосига етказган яна иккитасини эса ҳамшаҳарлар билан барча тантанали кузатиб ҳам қўйдилар.

Кези келганда шунга айтиш жоизки, Ҳамза туманида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш юза-сида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимининг қарорига кўра 153-мактабда махсус жисмоний тайёргарлик ва миллий азобиликка тайёрловчи синф очилди. Шу йилнинг ўзида Ҳамза туманидан 35 нафар номзад олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирганилиги ҳам қувонарли кўрсаткичдир.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ, СУРАТЛАРДА: Ҳамза тумани вакиллари билан учрашувдан лавҳалар.

Қирқ хунар ҳам оз

ИШТИЁҚМАНДА
ТАПАБАЛАР

Кейинги пайларда тезкорлик билан мутахассислар тайёрлашга қодир, намуна бўларли хунармандлик муассасалари қўпайиб бормоқда. Шундай касб-хунар масканларидан бири Чилонзор Оқтепасининг Лутғий кўчасида жойлашган «Мутахассис» номи ўқув марказидир. У «Тошкентуниверситети» корпорацияси таркибиде ташкил этилган бўлиб, ўз фаолияти давомида марказда қурувчиларни тайёрлаб берди. Ҳозирги пайтада бу ерда ҳар йили 2500 дан зиёд киши ўқиб юқори малакали касб ағзалари бўлиб чиқмоқда. Уларнинг аксарияти «Баландқурилиш», «Максад», «Тошкентқурилиш» бошқармаларида ҳамда «Ўзбекнефтгазурилиш» фиссодорлик жамияти ва бошқа қурилиш ташкилотларида ҳисдорлик меҳнат қилмоқдалар.

— Бизнинг ўқув марказимизда йигирма нафар ҳам назарий, ҳам амалий малака, бой иш таърибасига эга бўлган устоз-мураббийлар дурс беришад. Уларнинг энг фоллари сифатида Зойир Турсунов, Владимир Фурманов, Михаил Хищенко номларини алоҳида ақраби кўрсатиш мумкин, — дейди хунар масканининг директори Ноила Маҳмудова. — Бўқичи, сувқоқи, гишт терувчи, кошнкор, газэлектропейавандловчи, минорали кран машинисти, экскаваторчи, бульдозерчи... Бу касб турларини яна давом эттириш мумкин. Булар бизда ўқиб пухта эгаллаш мумкин бўлган мутахассисларнинг бир қисми холос. Чунки ҳар бир касбини ўрганиш жараёни жойларда амалий иш бажариш орқали техник воситалардан фойдаланилган ҳолда мустаҳкамлаиб борилади. Узоқдан хунар ўрганишга келганлар билан даргоҳимиз ётоқхонасида истиқомат қилишлари мумкин...

Таълим олиш пуллик бўлсада хоналар тўлиб, дурс ўтирмоқда. Тўрт қаватли бинонинг бирорта ўқув устaxonаси бўш эмас. Чунки кўпчилик қилган сарф-харажати ўқини битиргач тез орада зиёдадеси билан қопланишини, энг муҳими қўли гул уста бўлиб етишиши мумкинлигини яхши билади. Ўқув маркази машғулотларини кузатиб, бу ерда яна эркаклар ва аёллар кийимларини бичувчи ҳамда тикувчи, гуруҳига қараб ўқиб олган кишиларни кўриб қолсангиз, қўлингиз қўнғилдириб қолган бўлади. Бизни қизиқтирган яна бир жиҳат ўқишда ёшларнинг чегараланмаганидир. Масалан, тикувчиликдан дурс олаётганлар орасида аксарияти ҳозирда мактабларнинг юқори синфида ўқиб турган қизлардан иборат бўлганлиги учун уларнинг бўш вақтлари мўлжаллаб, хунар ўрганиш машғулотлари ҳафтада икки марта, кўнглинг қўли пайтида ташкил этилган. Айримлар ҳатто Келес, Чиноз, Тўйтепадан катнаб ўқимокдалар. Ана шундай иштиёқманд талабалар келажакда мамлакатимизнинг турли жойларида ўз меҳнатлари билан халқ хизматига қамарбаста бўлиб, уларнинг олқишини ослалар ажаб эмас.

Баҳром ТОЖИБЕВ.

Ўлкамизнинг шифобахш неъматлари

«ЕР ОЛМАСИ»НИНГ
ХОСИЯТИ

Бугунги кунда овқатларимизнинг лаззатли масалликларидан бири бўлган картошкани ҳар кун ишлаتماймиз. Ҳатто, баъзи бир тадбиркор ҳамшаҳарларимиз бу сабаботни ўз томоқларидеда ўстирадилар ҳам. Лекин кўпчилик унинг тарихи ва фойдали томонлари ҳақида ўйлаб ҳам қўрмаган бўлсалар керак. У таркибиде озуқа моддаларининг тўқтунгадан бири наондан қолишмайди. Унда 18 фоз крахмал, 2 фоз оқсил, 1 фозгача шакр моддаси ва бир қанча дармондорилар бор. Шунинг учун ҳам баъзан уни «иккинчи нон» деб ҳам таърифлашлари беҳиз эмас.

Мана шундай фойдали, серлаззат масаллик XVI асрда Жанубий Америкадан Европага келтирилганда уни ҳеч ким истезмол қилмаган. Ботаника тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг келтирган далилига кўра картошканинг ватани Чили ва Перу бўлган. Маҳаллий халқ уни тоғ ёнбағриларида ўстирган ва номини «Палпа» дея атаган. Жанубий Американи қамал қилган испанияликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келадилар. У бир мамлакатдан иккинчига ёввойи ўсимлик сифатидагина ўтиб юрган. Италияга тарқалганда уни «тартуфол» деб атайдилар. Францияга картошка XVIII асрда Утади, бу ерда у «Пом де терр» номини олди, яъни маъносини «Ер олмаси» демокидир. Францияда картошканинг қимматли озуқа ва фойдали шифобахш эканини дастлаб доринхон олим Пармантье пайкаган. Пармантье картошка тўғрисида китоб ёзди, қўллаб эҳди ва ундан турли таомлар тайёрлаб қўнчилигини меҳмон қилди. У картошкани кенг тарғибот қилди, ҳатто қиролга ҳам муурожаат қилиб, шу ўсимликни қўллаб эҳиз зарурлигини айтди. Қирол олимнинг сўзига қўлоқ ҳам солмайди, фақат саройга келтирилган картошка гулини чаккансига тақиб олди. Шу-шу бўлди-ю, картошкани озуқа сифатида эмас, балки ўсувчи гул сифатида тувалқларда ва гулхоналарда ўстира бошлайдилар. Англияда 1565 йилда картошка тарғиботини денгизчи Жон Хоукс Перудан Ирландияга анчагина картошка олиб келиб эҳди. У катта зиёфат ташкил қилиб, сарой иборларини картошка билан сийламоқчи бўлади. Бироқ, афсуски, ошпаз тушмағур овқатни илдиз доналаридан эмас, шудкоқина қўнатириб келиб пиширган экан. Ейилишидан олдин қўп ҳамду санолар ўқилган «таом» дастурхонга келтирилган, ҳамма хангу манг бўлиб қолади. Меҳмонлар мезбонга қараб: «Бизни ўзингизга ўқшаб хашакхўр деб фараз қилган бўлсангиз керак, йўқ, биз инсонмиз!» — дейишиб чиқиб кетишад. Шундай қилиб денг узок мамлакатларда сафарларда ном қозонган капитан картошкани тарғиб қилмаган деб, ўз оғурусини тўқиб қўйган эди.

Яна Францияга қайтсан. Картошка фидойиси Пармантье қиролга муурожаат қилиб, ҳеч бир иш чиқара олмаганидан кейин илдиз тугунчаларини далага эҳди. Ҳосил гулга киргандан эътиборан чор томонга милтиқли соқчилар қўйиб қўриқлатаверади, бу ишдан қўшни деҳқонлар ҳайрон бўлиб: «У даласига олтин экканмидики, қўриқласа», дейишад. Ҳар ҳолда шундай одат бор, эҳтиёт қилинган нарсаларга ўғри ўч бўлади. Соқчилар ўқлаб қолганде, Пармантье даласидаги картошкани қавлаб олиб кетадилар. Сўнг уни гулханга ташлашаде, хашаги қўйиб, илдиз тугунчалари кўрда пишиб қолади. Эрталаб бир чўпон уни татиб кўрса, бирам ширин, бирам мазази. Шундан сўнг картошка «Ер олмаси» номи билан шухрат қозонади. Ҳатто ўзининг оч халқини боқийша боши қотиб юрган подшоҳлар ҳам қизиқиб қолишаде. Картошка уларнинг жонига оро қиради. Шу баҳона картошка барча Европа мамлакатларида эҳди бошлайди. Урта Осийда эса картошка бундан 120 йил муқаддам эҳди бошланде. Бугунги кунда унинг 150 дан ортик турлари мавжуд. Картошка нафақат озуқа модда сифатида, балки шифобахшлиги билан ҳам қадриллидир. Халқ таъбаотида янги картошка суви меъда ширасини жойига келтириш, зарда қайнашини, қўнғил айнашини йўқотиш, меъда ва ўн иккибармоқ ичак яраси битишини тезлаштириш учун ишлатиладе. Унинг крахмалидан эса меъда-ичак касалликларида (гастрит, гастрит, спастик қолит, ярали қолит, диспепция) ураб олвчи, яллиғланишга қарши, шунингдек пешоб ҳайдовчи восита тарихисидеда қўлланиладе. Бундан ташқари янги картошка билан гушга даво қилинади, бронхит касаллигида эса картошка буғларини нафасга олиш буюриладе. Янги картошка сувини қаймоққа қориштириб, баданнинг сепкил тошган, қўйган, ёрилган жойларига қўйиладе. Унинг таркибиде калий қўп бўлганлигидан, уни пешоб ҳайдовчи восита сифатида юрак ва бўйрак касаллиги билан оғриган беморларга буюриладе. Унинг гулларидан тайёрланган далмама артериял қон босимини пасайтириб, нафасни жонлантириш, картошка таркибидеги глюкочалкоидларнинг гижжалар, микрофлар, замбурулларга қарши таъсир кўрсатадиган дори эканлиги текширишларда исбот этилган.

Оқила РАИМОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Мақтаб — 70 ёшда

БИЛИМ УПАШИБ

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги Ботир Зокиров номи 46-мактаб ўз фаолиятини бошлаганига 70 йил тўлди. Мақтаб 1926 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Мавлонобўй деган кишининг ҳовлисида жойлашган болалар ўғи таркибиде ташкил топди. 1927 йили мактабга маърифатчи Юсуфхожи номи берилди...

70 йил давомида бу таълим ва тарбия масканини 6 миңдан ортик йигит-қиз битиришди. Улар орасида жамоат арбоблари, ўқлаб фан докторлари, юзлаб фан номзодлари, машхур шифокорлар, санъаткорлар бор. Хусусан «Кимё» концерни раиси, академик Н. Юсуфхожи, академик, ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Н. Долимов, Тошкент Давлат техника университети проректори, профессор Ф. Мирсаидов, республикамизга машхур шифокор Мақсудовлар оиласи, танили санъаткор Э. Зокировлар билан бизнинг ўқувчиларимиз бўлишган. Улар худди шу мактабда ўқиганлари билан фахрланишаде, биз ҳам ўқувчиларимиз берган таълимимизни оқлаганлари билан ҳар маҳал гурурланамиз.

1986 йилда мактаб янги бинога кўчиб ўтди. 1991 йилда мактабга Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номи берилди. Ҳозир мактабимизда 1200 ўқувчига 80 та муаллим таълим-тарбия бермоқда. Мақтабда, амалий санъат синфлари ташкил қилинган. Бошланғич синфларданқ ўқувчилар тасвирий санъат, наққошлик,

хаттотлик, ганчкорлик, кулолчилик, сирларини ўрганадилар. Эеро, ўзбек диерия хусусан санъатнинг шу йўналишлари билан дунёга танилган. Маълумки, юртимизда қадимда хаттотлик мактаби бўлган. Моҳир хаттотларга «Заррик қалам» номи берилган. Амалий санъат синфларида ўқув жараёнини ташкил қилишда Ўзбекистон расмолар уюшмасидан И. Рискиев, А. Рауфовлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Мақтабимизга Тошкент Давлат техника университети профессоор-ўқитувчилар жамоаси амалий, илмий, услубий кўмак бермоқда. Университет ректори, академик Т. Миркомилонинг бевосита иштирокиде мактабда лицей синфлари очилди. Бу синфлар математика, физика, информатика предметларида ихтисослашган. Дарслари техника университетиде долмалари олиб беришмоқда. Информатика дарсларини болаларини университетнинг замонавий ЭХМлари билан жиҳозланган хоналарида ўтишаде. Мақтабимиз ўқувчилари туман, шаҳар олимпиадаларида ютуқли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яқинда бўлиб ўтган давлатлик рамаълари билан «донлари» танловидеда ўқувчиларимиз С. Раҳимов тумани бўйича соворили ўринни олишди. Мақтабимиз жамоаси ўзининг шонли юбилейини куч-қайратга тўлган ҳолда қўтиб олди. Жамила Абдуқодир қизи МИРЗАХИМЕДОВА.

Қатрала

ЎЧМАС ЙИЛЛАР

Тонг отди. Борлик гўзал. Сени сўроқлар жисмим. Ёдинг қалбим эгаллар, ўқувчилик йилларим...

Биз дунёга келиб, эсимизни танир-танимас мактаб остонасига қадимдан келишимиз. Ушбу кунларимиз биз мактабни иккинчи ота-онамиз деб билар эдик. Мақтаб ҳаёт бўлиши, мўъжизалар маскани эди. Турмушимиз фаровон, кўнглимиз мазмунли ўтган, ҳар кун би янгилик кашф этар эдик.

Ўқувчилик йилларини эслар эканман, кўз олдимда кадрдон синфим жонланади. Қўнғил болалар эди. Қирқ олам киж хил табии. Ўқитувчи шу қирқта юракка йўл топиб, бизга ҳаёт фанидан сабоқ беради. Айнакча, адабиёт фанига алоҳида меҳр билан қараб, ошқиб боради. Физика бизни қизиқарлилиги билан ром этган бўлса, тарих фанини ҳамма бирдек севарди. Моҳир педагог Истат опа тарих фанини маҳорат билан ўтар, дарс давомида эртак эшитибтандек жим ўтирадик. Нимасини айтсан, мактаб — бу тасвириаб бўлмайдиган муқаддас даргоҳ. Ўқувчилик йиллари эса болаликнинг тожи, олтин даври десам мубоғала қилмаган бўламан. Биз мактабни тугатганимизга ҳам сақиз йилдан ошди. Лекин доимо мактабни соғиниб яшайми. Кўча-қўйда синфдошлар билан учрашиб қолсан, гап мавзун тўғридан-тўғри мактаб, унинг кенг бағрида бўлиб ўтган воқеаларга бориб такалади. Ва доим кўнглимизда бир армон: «Оҳ, қанидди ҳеч бўлмаса яна бир ой бирга ўқисан!»

Ҳар гал кадрдон 165-мактабнинг ёнидан ўтар эканман: «Хорман, азиз маърифат улашувчилар, азиз устозлар! Биз доимо сизни эслаймиз ва Сиз берган сабақлардан ҳаётда кенг фойдаланамиз» дейман. Яхши ҳам хотира бор, ўтмиш бўлади тақрор: Ғамхўр, доно муаллим, ўқувчилик йилларим...

ДУСТ ДИЙДОРИ

Қиши қайғитида шундай дамлар бўладики, бу кенг дунё кўзларингда маънавий эҳди кўрилади. Юрагининг тубида алғанима хира тортади. Ўшанга бўлган шийтёқ туйғулари мудраб, қўнғилдига ҳеч нарсасиғмайди. Кечанига азиз ва мукаррам қўнғилдан бу олам сени ҳеч бир сеҳри билан ҳам ҳайрон қилмайдиде. Юрагинга ўт солиб, лабинга кулгу индирилмайди.

Ҳаётнинг тўрфа зарбаларидан бемаҳол нигоҳларингда умид сўнади. Сен севиб тинглайдиган мусика ҳам гализ бўлиб туюлади. Ҳаётдан уқиндигини узадсан. Шунинг келмиши қолади. Бир нуддат бу кўча дунёдан айро тувсан. Тушқунлик сени ўз домига торта бошлайди. Лекин...

Лекин шундай дамда барибир қўнғилнинг тубида бир илинж бўлади. Кимдир қўнғил, ким биландир суҳбатлашнинг келаватганини сезиб қолсан. Ва бу албатта дўстинг бўлади. Унинг аввало, сени тушуниши, тортинмай сўзлаб олишини руҳинг далда беради. Дўстга бўлган ишонч сени қўнғил бўлиб, умид томирлариндан ўта бошлайди. Ва бу қон бир сониядаёқ ҳарорат каби бутун тана бўйлаб тарқалади. Ва энди ҳаётга, одамларга бўлган қарашинг теранлашади.

«Бўди, бас, мен яшашим керак, муаммоларни ечишим, ҳаётим янада гўзал бўлиши учун курашимни керак», — деган сўзлар дилдангиз тилинга кўчади. Уяид, ўқунларни эди бутун бир олағга айланди. Уқиндигини узадсан. Шунинг келмиши қолади. Алғаб яқин сирдош дўстинг ҳаёлингга гавдаланади. Тизгинсиз ҳаёлларини шу ерда қолдириб, у томонга илдам кадам ташласан.

Дийдорга элтувчи йўллар. Илоҳим, ҳеч биримизни шу йўллардан айро қилмасин. Муқаддас ЮСУПОВА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларида режадаги про-филактик-таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан 30 октябрдан то 13 ноябрга қадар Зарқайнар кўчаси ва унинг боши берк кўчаларида истиқомат қилувчи 40, 44-АТС абонентларида вақтинчалик телефон алоқаси бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тошкент чинни заводи ҳиссодорлик жамиятининг жамоаси ҳиссодорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Зикирилла Юлдашевга ўғли Баҳодир Юлдашевнинг севабқ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси жамоаси бош врач ўринбосари Асилбек Расулвич Эркабевга отаси Расул ЭРҚАБОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ТОШКЕНТДА
КУЗ

Тошкентга куз келди. Кўчаларда, хиёбонларда юрганнингизда шитир-шитирлаб япроқлар пойингизга тушади. Шошиб дарاختларга қарайсиз. Шу кунларга соғ-саломат этиб келгангизга шуқурлар қиласиз. Лекин қалбингизнинг бир четиде жиңдеккина орзиқиш бўлади.

Кузги япроқларни томоша қилгангизми? Қирмиз, қизил, қара, заъфарон тусдаги барглари бир йилда бир умр яшайдиган рангларда яшаган умри-



дан қонқиш ҳосил қилганини дилдан сезиб турсиз. Сирасини айтганда баҳор йилнинг болагий бўлса, ёз йигитлиги, куз кўксалигидир. Ҳар бир фаслнинг ўз ишқибозлари бўлади. Шу фаслда илҳом билан шөр ёзидиган

шоирлар, бетимсол суратлар ишлайдиган мусаввирлар ҳозир айна иход оғушида. Шаҳримизда куз. Тошкентимиз кузда айниқса гўзаллашгандек туюлади. Аслида шаҳримизга тўрт фасл ҳам ярашади.

Куз бағрида одим ташлаймизу, шоир Уйғуннинг шеърлари хаёлдан кечади: «Кумуш қишдан, зумрад баҳордан, Қолишмайди қузнинг зийнати». Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Маълумот:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.